

Илмий фаолият компетенцияси – тадқиқотчининг илмий изланиш олиб бориш малакалари даражаси, самарадорлик кўрсатгичи.

Илмий тадқиқот кўнималари қуйидаги сифатларида намоён бўлади:

- мутахассислик бўйича чуқур билим;
- танқидий ва таҳлилий фикрлаш (воқеа-ҳодисалар моҳиятини сабаб ва оқибат диалектикаси асосида тушуниш);
- ностандарт, креатив мулоҳаза юритиш;
- соҳага оид муаммо ва муаммоли вазиятларни англаш;
- амалий муаммолардан илмий муаммоларни шакллантириш;
- керакли манбаларни қидириб топиш;
- топилган манбаларни қайта ишлаш;
- ўзлаштирилган билимни янгича тақдим эта олиш;
- илмий тадқиқот олиб боришдан мақсадга эга бўлиш;
- масъулият ва маҳнатсеварлик;
- тартиблилик, вақтдан унумли фойдаланиш;
- мақсадга эришишда қатъиятлилик ва ҳоказо¹.

Бир сўз билан айтганда, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари уларни юзага келаётган назарий ва амалий муаммоларни оқилона ва самарали ҳал эта оладиган ижодкор шахслар сифатида шакллантиришга хизмат қиласди. Тадқиқотчилик қобилияtlари инсонда табиий инстикт тарзида мавжуд бўлса-да, уни ривожлантириш, оддий тадқиқотни ижод даражасига олиб чиқиши таълим ва тарбия орқали амалга ошади.

Талабаларнинг илмий тадқиқот фаолияти назарий ва амалий машғулотлар давомида олинган билимларни касбий компетенция даражасига чиқара олишида намоён бўлади. Бунда маъruzачиларнинг фаол ўқитиши усувларидан фойдаланиши асосида ўзлаштирилган билимларнинг курс иши, мустақил иш, бакалаврлик битириув иши кабиларни тайёрлаш, ҳимоя қилиш механизmlари ва

¹ Аллаярова С. Н. Талабаларни илмий тадқиқот фаолиятига йўналтиришнинг долзарб масалалари //Современное образование (Узбекистан). – 2021. – №. 5 (102). – С. 17-25.

баҳолаш мезонларининг тўғри ташкил қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда илмий тадқиқот компетенцияси кўплаб касблар ва фаолият турлари учун муҳимдир: олинган билимларни нафақат ижодий қўллаш, балки янги билимларни яратиш, амалий тадқиқотлар ўтказиш зарур. Шунинг учун, бакалавриат босқичидан талаба илмий тадқиқот олиб бориш қобилиятига эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги қонунида илмий фаолиятга шундай таъриф берилади: “Илмий фаолият обьектлар, ҳодиса (жараёнлар)нинг хусусиятлари, ўзига хосликлари ва қонуниятларини аниқлаш мақсадида борлиқни ўрганиш ва олинган билимларни амалиётда қўллашга йўналтирилган фаолият ҳисобланиб, фундаментал ва амалий тадқиқотлардан иборатдир². Ушбу тушунчага берилган яна бир таърифни келтирсак: “Илмий фаолият ўта масъулиятли ва катта мустақилликни талаб қиласиган узоқ муддатли меҳнатдир. Бу фаолият давомида талабаларнинг таҳлилий тафаккури мустаҳкамланади, маълумот қидириш ва ундан фойдаланиш кўникмалари шаклланади; улар йиғилган маълумотлар асосида ҳисботлар тайёрлаш ва илмий тақдимот тайёрлаш ҳоказоларни ўрганади³. Шундай экан, олий таълим ўқув жараёнида талабалар илмий фаолиятнинг дастлабки кўринишлари – фанни ўзлаштириш бўйича курс иши, реферат, мустақил иш, илмий-ижодий эссе кабиларни тайёрлаш малакасига эга бўлишлари лозим. Битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси юқоридаги илмий-методик ишларнинг ҳажм ва мазмун жиҳатдан юқори кўриниши ҳисобланиб, битирувчиларнинг мутахассисликка оид билим ва малакаларини ўзида акс эттиради. Битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси обьекти, предмети, қўйилган муаммонинг ҳал этилишига кўра фундаментал ёки амалий тадқиқотлардан бирига тегишли бўлади.

² Ўзбекистон Республикасининг Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги қонуни. ЎРҚ-576-сон. 29.10.2019. 3-боб. 12-модда. <https://www.lex.uz/docs/4571490>

³ Vincentas Lamanauskas and Dalia Augienė Development of Scientific Research Activity in University: A Position of the Experts // Procedia - Social and Behavioral Sciences 167 (2015). -p.132.

Илмий фаолият олий таълимнинг бакалавриат босқичида шаклланади, магистратура босқичида ривожланади.

Талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятини самарали ташкил этишда қўйидагиларни эътиборга олиш тавсия қилинади:

- ўқитувчилар томонидан дарс жараёнида танқидий фикрлаш ва янги маълумотларни излаб топишга кўмаклашадиган замонавий ўқув усулларнинг қўлланилиши;

- ўқитувчилар ўзларининг тадқиқот ишларини бажариш ва тақдим этишда талабаларни ёрдамчи сифатида (маълумотларни йиғиши, тартибга солиш ва ҳоказо) илмий ҳамкорликка жалб этиши;

- талабаларни олий таълим муассаси, республика ва халқаро миқёсдаги илмий тадқиқот жараёнида иштирок этишларини ташкил этиш (илмий танлов, конференция, лойиҳаларда иштирок этиш шаклида);

- ўқув дастури асосида билим бериш ва баҳолаш мезонларига тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантирувчи талабларни киритиш ва ҳоказо.

Аллаярова Солиҳа Нарзуллоевна